ТУРКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ҚАТАҒОН СИЁСАТИ ИЖРОЧИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ

С.А. ХОШИМОВ

В статье освещена деятельность Чрезвычайной комиссии и «революционных» трибуналов – исполнительных органов репрессионной политики советской власти в Туркестане.

In this article the activity of Educational committee and "Revolution" tribunals of the executive committees of the repressive policy of the Soviet government in Turkistan are discussed .

Ҳар қайси халқ миллий қадриятларини юксалтириб боришга интилар экан, бу борада **тарихий хотира** масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Юртбошимиз И.А.Каримов таърифига кўра, "тарихий хотира туйғуси тўлақонли равишда тикланган, халқ босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффиқият ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, қувонч ва изтироблари билан холис ва ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам тарих бўлади"[1,97]

Янги демократик жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш вазифаси нафақат мустабид тузумнинг сир-синоатини ўрганишни, балки идрок этиш ва ундан сабоқ чиқаришни тақозо этади. И.А.Каримов совет тузуми даврига муносабат билдирар экан, "тарихий таҳлилни илмий жиҳатдан холисона ва ҳалол амалга ошириш"[2,141] кераклигига алоҳида эътибор қаратган эди.

Бу даврда қўлланган қатағон сиёсати ва унинг фожеали оқибатларининг ўрганилиши ҳозирги ва келгуси авлодни мустақилликнинг қадрига етишга ва уни кўз қорачиғидек авайлаб-асрашга даъват этади. Зеро, бугунги кўплаб ҳақиқатларнинг асл манбаи советлар даври қаърига яширинган. "Зулм ва зўравонликка қурилган мустабид, бешафқат тузум даврида ўзлигини, миллий қадр-қимматини теран англаган, ижтимоий-сиёсий онги юксак, халқни уйғотишга қодир бўлган, маърифат ва маънавият йўлида фидойилик кўрсатган ақл-заковат соҳибларининг"[3] қанча-қанчалари жисмонан йўқ қилинди.

XX асрнинг 20-йиллари иккинчи ярмидан эътиборан собиқ советлар мамлакатида Сталин «раҳнамо»лигида бошланган оммавий сиёсий қатағонлар аслида ўша мустабид тузумнинг ички моҳиятидан келиб чиққан ва унинг табиатида мавжуд бўлган ижтимоий офат эди. Қатағонлар компартия ва совет ҳукуматининг ажралмас бир бўлаги бўлиб, советларнинг ўзи ҳам қатағон воситасида юзага келган эди. Большевикларнинг ҳокимият тепасига келиши зўрлик, босқин, қирғин, куч ишлатиш асосида амалга оширилган.

Большевиклар олиб борган ғайримиллий давлатчиликни мустаҳкамлаш, бошқарувнинг мустамлакачилик тузилмасини ўзгартириб, империя-мустабидчилик тузилмасига айлантириш сиёсатининг муҳим йўналиши совет тузумининг сиёсий тизимини шакллантиришдан иборат бўлди. Аввало, "пролетариат диктатураси" давлатини ташкил этиш мафкурасига мувофиқ, ҳокимият органлари марказнинг сиёсий манфаатларини зўравонлик билан таъминлашга қодир бўлган қатағончилик тузилмаларини яратишга эътиборни қаратдилар. Ана шу мақсадда қисқа муддат ичида умумроссия схемаси асосида "инқилобий" судлар, прокуратура, ВЧК (Бутунроссия фавқулодда комиссияси) органлари, "инқилобий" трибуналлар, "халқ милицияси" ташкил этилдики, улар "инқилоб душманлари" учун шавқатсиз "темир супурги"га айланиши лозим эди.

Шундай қатағон сиёсатининг ижрочи органларидан бири "инқилобий" трибуналлар бўлиб, ушбу идора совет ҳукуматининг йўлдоши сифатида 1917 йилдаёқ вужудга келган эди. 1917 йил охирларида, дастлаб ташкил топган даврда "инқилобий" трибуналлар анча либерал бўлган. Кейинроқ, 1918 йил ўрталаридан "инқилобий" трибунал ҳақиқий маънода совет тузумининг қатағон сиёсатининг ижрочи органига айланган.

Аксилинқилобий ҳаракатлар, сиёсий жиноятлар ВЧКнинг ҳудудий ва ҳарбий трибуналларига топширилган. Маҳаллий (ҳудудий) ҳарбий трибуналлар қонунга мувофиқ суд қарорига кўра вилоят ёки шаҳар советлари қарори билан сайланган, таркиби раис ва олтита кишилик маслаҳат кенгашидан иборат бўлган. Одатда, уларнинг ҳаммаси экстремистик кайфиятдаги европаликлар, маҳаллий ишчилар ва аскарлардан тузиларди. Улар буюк давлатчилик кибр-ҳаво-

сини очиқдан-очиқ намойиш қилишарди. Раҳбарлик лавозимига эса Марказ юборган ходимлар тайинланарди. Масалан, Туркистон фавқулоддда комиссиясига узоқ йиллар Ф.Э.Дзержинскийнинг яқин ёрдамчиси бўлиб келган, зўравонлик ва оммавий қатағонлар уюштиришда катта роль ўйнаган Я.Петерс бошлиқ қилиб тайинланди [4,57]. Чор ҳукумати сингари совет раҳбарияти ҳам маҳаллий аҳолидан чўчир ва унга ишонмас эди. Шунинг учун ҳам у куч ишлатувчи тузилмаларга Туркистоннинг ерли халқ вакилларидан ходимларни жалб қилишни ниҳоятда чеклаб қўйди, чунки улар халққа қарши бўлган ҳокимиятнинг асосий таянчлари эди. Масалан, 1920 йилга қадар маҳаллий аҳолининг вакиллари "қизил армия" сафига чақирилмасди. Чунки уларга берилган қурол эзувчиларга қарши қаратилиши мумкин эди.

""Инқилобий" трибуналлар раҳбарияти, тузилиши ҳақидаги йўриқномани П.И.Стучкой имзолаган, унда шундай уқтирилади: "Ҳимоя ёки айбловни олиб бораётган "инқилобий" трибуналнинг барча вакиллари совет ҳукуматининг ишончли кишиларидир"[5,204]. Судлар, ВЧК "инқилобий" трибуналлари иш фаолияти давомида турлича кўрсатмалар асосида иш юритганлар, бироқ фуқаролар уруши даврида ҳар доим ҳам ушбу кўрсатмаларга амал қилинавермаган. Айтиш лозимки, марказий шаҳарларда ёки чекка ўлкаларда террор турли даражада амалга оширилган, аммо қамоққа олинган шахсларга ҳамма жойда ҳам жуда шафқатсиз муносабатда бўлинган.

Собиқ иттифоқ бўйича 1918 йил 6 ноябрда 32 "инқилобий" трибуналлар фаолияти анализ қилинганда, улар фаолияти давомида 12223 ишни кўриб чиққани маълум бўлган. Шулардан 35 фоизи аксилинқилобий, 32 фоизи чайқовчиликка оид, 19 фоизи порахўрлик, ҳужжатларни қалбакилаштирганликда айбланган, 7 фоизи жанжаллашиш, 6 фоизи ишдан бўйин товлаш (саботаж), 1 фоизи айғоқчиликда айбловга оид ишларни кўриб чиққани маълум бўлган [6,57].

Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитетининг 1918 йил 18 июндаги қарорига мувофиқ БМИК қошидаги "инқилобий" трибунал раиси этиб Медведев; трибуналнинг тергов бўлими бошлиғи этиб Розмирович, Кингисепп, Диасперов; айблов комиссиясига Криленко, Чикколип, Могилевскийлар тайинланди. Бир вақтнинг ўзида "инқилобий" трибуналларга ҳар қандай жазони қўллаш ҳуқуқи берилди Шундан сўнг отувлар "инқилобий" трибуналларнинг доимий машғулотига айланди [7,72-73]. "Бирор бир инқилоб ва фуқаролар уруши йўққи, унда отув қўлланилмаган бўлса" деб Лениннинг ўзи атрофидагиларни ишонтирарди [6,58].

Собиқ Иттифоқда фуқаролар уруши йилларида "инқилобий" трибуналлар фаолияти ва таркиби ўзгариб турган. 1919 йил баҳоридан уни сиёсий ходимлар бошқарган, бир йилдан сўнг "инқилобий" трибуналларга аксилинқилобий фаолиятларни, катта миқдордаги чайқовчилик билан шуғулланган кишилар фаолиятига оид ишларни, хизмат вазифасида туриб жиноят қилганлар, ҳарбий хизматни ташлаб қочганлар ишини кўриб чиқиб суд қилиш вазифаси юклатилди. 1919 йил собиқ иттифоқда 13 "инқилобий" трибуналда 2321 кишининг иши кўриб чиқилган, улардан 17 фоизи отувга ҳукм этилган. 1920 йилда "инқилобий" трибуналлар 23447 ишни кўриб, шундан биринчи ярим йилида 11 фоизи отувга ҳукм этилган, иккинчи ярмида эса 7 фоизи. Бу рақамлар шартли олинган, уларнинг тўлиқ олишнинг иложи йўқ [8]. "Инқилобий" трибуналлар фавқулоддда судлов органи бўлиб, унинг чиқарган ҳукмлари юзасидан шикоятларни фақат БМИКдаги махсус бўлимлардагина кўрилган. Шикоят (кассация) трибунали таркибига: ЮХК коллегияси аъзоси П.А.Красиков – раис; республикалар "инқилобий" трибунали раиси К.Х.Данишевский; ВЧК раиси ўринбосари И.К.Ксенофонлар аъзо қилиб киритилганди. Шикоят аризаларини қондириш жуда кам бўлган. 1919 йилда шикоят трибунали 39 та отувга ҳукм этилганлар шикоят аризасини кўриб, 36 та ҳукмни маъқуллаган. 1920 йилда 704 та ўлим жазосини кўриб чиқиб, 556 тасини маъқуллаган [8,27-51].

1918-1920 йилларда ҳудудий ва ҳарбий трибуналлар сони вазиятдан келиб чиққан ҳолда ўзгариб турган. Шуни таъкидлаш жоизки, турли вақтларда уезд, губерния, турли идоравий трибуналлар мавжуд бўлиб, уларнинг сони бир неча юзлаб бўлган. 1919 йилда кўчма "инқилобий" трибуналлар ҳам ташкил этилдики, улар ҳарбий қочоқларни бориб ўз ўрнида сўроқ қилиб, ҳукм чиқарган. 1919 йилнинг етти ойи давомида 95 минг қочоқ иши муҳокама этилиб, улардан 600 киши отилди [7,119-120].

Ҳеч бир трибунал йўқ эдики, у отув жазосини қўлламаган бўлса. Олий жазога ушбу ташкилотлар томонидан ҳукм этилганлар тахминан ойига минглаб кишини ташкил этган.

Большевиклар ўз ҳокимиятини ушлаб қолиш учун террорни муҳим деб билдилар. Бунга халқни ишонтириш жуда муҳим эди. Бунда тарғибот ва ташвиқот ишларидан кенг фойдаланилди. Террор оддий халққа таъсир қилмайди, у фақат "бой аксилинқилобчиларга" қарши қаратилган деб уқтирилди. Синфий тус бериш, айниқса, деҳқонларни бунга жалб қилиш усулидан кенг фойдаланилди. Шунингдек, большевик доҳийларига уюштирилган суиқасдлар баҳона қилиниб террорлар янада кучайтирилди.

Совет ҳокимиятининг жазоловчи органларидан бири ВЧК (Бутунроссия Фавқулодда комиссияси) бўлиб, у "янги социалистик типдаги давлат хавфсизлигини таъминловчи орган сифатида" майдонга келди. РСФСР ХКС қошида Бутунроссия Фавқулодда комиссияси (ВЧК) аксилинқилобчиларга, чайқовчиликка ва лавозимдаги жиноятчиликка қарши курашиш мақсадида 1917 йил 7 (20) декабрда Лениннинг ташаббуси билан ташкил этилди. Унга раис этиб Ф.Э.Дзержинский тайинланди, ВЧК ходимлари бўлиб турли даврларда совет ҳукумати ва коммунистик партиянинг таниқли кўзга кўринган намояндалари хизмат қилишган [6,68-69]. Лениннинг кўпгина тарафдорлари ВЧКнинг ташкил этилиши "инқилобни" ҳимоя қилади, пролетариат диктатурасини ўрнатишга ёрдам беради деб умид қилишган.

ВЧКнинг дастлаб ташкил топиши жараёнида битта партия, яъни большевиклардан иборат таркибда тузилди. 1918 йил 7 январдан 6 июлига қадар эса ВЧК таркибидаги муҳим лавозимларни сўл эсерлар партияси вакиллари эгаллади. 1917 йил декабрида ВЧКга дастлаб қуйидаги вазифалар юкланган эди: ишдан бўйин товловчилар (саботажчилар) ва аксилинқилобчиларга қарши курашиш; айбдорларни аниқлаб "инқилобий" трибунал судига топшириш ва қидирув ишларини олиб бориш. Дзержинскийнинг қайд этишича, ҳибсга олинганларнинг мол-мулкини мусодара қилиш, уй-жойидан қувиб чиқариш, савдо қилиш карточкасидан маҳрум этиш, халқ душманларининг рўйхатини тузиш ва нашр этиш ҳам ташкилот ваколатига кирган. Бошида ВЧК аппарати учта асосий бўлимдан: информацион (сиёсий ва тезкор ахборотларни тўплаш), ташкилий (аксилинқилобчиларга қарши курашни ташкиллаш), кураш бўлимлари (бевосита аксилинқилобчилар ва ишдан бўйин товловчиларга қарши кураш)дан иборат эди. Бироқ бир неча кун ўтиб, 1917 йил 11 (24) декабрда ВЧК таркибида чайқовчиликка қарши курашиш бўлими ҳам тузилди. 1918 йил 18 мартида ташкилий бўлим шаҳарлараро деб қайта ташкил этилди. 20 мартда эса совет идораларидаги лавозим жиноятчилигига қарши кураш бўлими ҳам ташкил этилди. Ходимларнинг сони дастлаб камчиликни ташкил этган. Масалан: Петроградда 23 киши, 1918 йил мартида Москвада 120 киши бўлган [6,70]. 1918 йил 14 январда Халқ Комиссарлиги қарорига мувофиқ ВЧК фаолияти ва аъзоларининг кўлами кенгайтирилиб, жойлардаги маҳаллий бўлинмалар ва уларнинг отрядлари ташкил этилган. ВЧКнинг ушбу отрядлари 1918 йил июнида 35 батальон (40 минг жангчи) бўлган ҳамда улар Россиянинг Европага туташ районлари ва чекка ўлкаларига жўнатилди [7,122]. 1918 йил апрелида Москвада ВЧКнинг ўз ичига ҳар бири 125 жангчини олган 5 та ротаси ташкил қилинди.

ВЧК большевик-коммунистларнинг инсонлар устидан назорат ўрнатишда чекланмаган ваколатга эга бўлган элита ташкилоти сифатида майдонга келди. Уларнинг ойлик маоши ҳам доимо ошириб борилган (ВЧК коллегияси аъзосининг маоши 500 рубль бўлиб, халқ комиссарлари ойлигига тенглаштирилган эди. Оддий рядовой чекист 1918 йил февралида ойига 400 рубль маош оларди. Бу даврда қизил армия аскари 150 рубль, оилали аскар 250 рубль маош олган) ҳамда озиқ-овқат ва саноат молларига бепул паёклар берилган [6,70-71].

Фавқулодда комиссия тез орада чекланмаган ҳуқуқларга эга бўлди. Фавқулодда комиссия ўзи қамоққа олади, ўзи тергов олиб боради, суд қилади, ҳукм чиқаради ва ижрони таъминлайди. Бир сўз билан айтганда, фавқулодда комиссия ўз фаолияти учун шундай катта ваколатга эга бўлдики, бундай ваколатга на полиция ва на жандармлар эга бўлган эди. ВЧК фаолиятидан норозиликлар ўша вақтдаёқ ҳукумат раҳбарлари орасида ҳам кучайган эди. Натижада 1918-1920 йилларда маълум вақт ВЧКнинг баъзи ваколатлари "инқилобий" трибуналларга олиб берилди. Бироқ оз муддатдан сўнг яна барча ваколатлар чекистларга қайтарилиб берилди. 1918 йил декабрь ойининг охирлари – 1919 йил январининг бошларида ушбу масала компартия йиғилишлари ва матбуотда муҳокама этиб борилди. 1919 йил 30 январда РКП(б) нинг Москва шаҳар конференцияси умумий йиғилишида Н.В.Крыленко ВЧКнинг ваколатларини чеклаш ҳақида нутқ

сўзлаб, “ЧКнинг назоратсиз, хуфиёна олиб бораётган фаолиятига чек қўйиш” лозимлигини уқтирди. Дзержинский Крыленкога жавоб қайтариб, ВЧК иш фаолияти кўламини асослар экан: “Қаерда пролетариат оммавий террорни қўллар экан, биз у ерда хоинликни кўрмаймиз, ВЧКда фавқулодда отув жазосини қўллаш ваколати бўлиши лозим”,- деди. Дзержинский фикрини ВЧК ходимлари Я.Х.Петерс ва Г.С.Морозлар қўллаб, Крыленко – совет ходими, “инқилобий” трибунал аъзоси, шу боис ВЧК фаолиятини чекламоқчи дейишди. Мунозара охирида Крыленко ўз фикрини билдириб, “чекистлар инқилобни сақлаб қолувчи монополистларга ўхшаб қолмоқда” деди. Шундан сўнг мунозара ҳуқуқий масаладан чиқиб кетиб, инқилоб учун “қайси ташкилот зарур”, қайси ташкилотга катта ваколат бериш керак, кимни кўпроқ маблағ билан таъминлаш лозимлигини муҳокама қилишга ўтиб кетилди. Крыленко таклифига мувофиқ йиғилиш қарор қилиб, ҳуқуқий асосга эга қарорларни қабул қилиш ҳуқуқи “инқилобий” трибуналларга берилади, ВЧКга эса “жиноят қидирув ишлари ва улар ҳақида маълумот тўплаш, ҳукуматни огоҳлантириш” вазифаси юклатилди. БМИКнинг 1919 йил 17 февралдаги қарорига мувофиқ, ВЧК жойларда ҳукмнинг ижросини таъминлаш, ҳарбий ҳолатларни эълон қилиш, аксилинқилобий чиқишларни бостириш, унинг олдини олиш ваколатини сақлаб қолди [6,66-67].

ВЧК фаолияти давомида ички ишлар халқ комиссарлиги ва юстиция халқ комиссариатига муҳим сиёсий аҳамиятга молик масалалардагина ахборот бериши, расмий жиҳатдан фақат Халқ Комиссарлари Советига бўйсуниши қайд этилган. Бироқ бу мажбуриятларга амал қилинмаган. ВЧК фаолиятини шахсан Ленин ва РКП(б) МК, жойларда эса большевикларнинг партия ташкилоти раҳбарлари назорат қилган. 1918 йил сентябридан 1920 йилга қадар ВЧК фаолиятига доир масалалар РКП(б) МК йиғилишларида 25 маротаба муҳокама қилинган [7,130-131].

ВЧКнинг фаолияти 1918 йилдан кучайиб борди. Москвада ВЧКнинг бош биноси дастлаб Лубянка кўчасидаги “Селект” меҳмонхонасида жойлашганди, сўнгра қўшни “Россия” страховой жамиятнинг биносини ҳам қўшиб олди. Ушбу биноларда ВЧКнинг 12 та бўлими жойлашган эди, булар орасида аксилинқилобий ҳаракатларга қарши бўлим (И.Н.Полукаров бошқарган), чайқовчиликка қарши бўлим (В.В.Фомин бошқарган), хизмат лавозимидаги жиноятчиликка қарши кураш бўлими (П.А.Александрович бошқарган) ва бошқалар. Тезкор бошқарув мақсадида ВЧК таркибида Дзержинский, Александрович, Петерслардан иборат “тройка” ташкил этилди. 1918 йил 15 июнда биринчи бор ВЧКнинг отувга ҳукм этувчи “тройка”си ташкил этилди. Ўша ВЧК коллегияси қарорига кўра “тройка” таркибига коммунистик партия аъзоларидан (большевиклар) ва сўл эсерлар вакиллари киритилиб, отув жазосини ҳал этиши белгилаб қўйилди. “Тройка”га Дзержинский, Лацис ва Александровичлар сайланди. Тройканинг ўринбосарлари қилиб Фомин, Петерс ва Ильинлар сайландилар. Отув жазоси совет ҳукуматига ва республикалар ҳукуматларига қарши ҳаракатларда иштирок этгани исботланган шахсларга нисбатан қўлланган. “Тройка” ҳукмни бир овоздан чиқариши лозим эди [6,75]. ВЧК ўз даврида четдан туриб кузатиш, махфий хизматчиларни ёллаш, ҳибсга олинганлар ва “аксилинқилобий” ташкилотлар сафига ўз одамини киритиш, хатларни рухсатсиз очиб ўқиш, халқаро хабар ва бошқа айғоқчилик усулларидан кенг фойдаланган. Ўша вақтдаёқ кимни отувга ҳукм этиш йўриқномаси яратилган эди. Булар аввалги полиция ва жандарм офицерлари, рухсатсиз қурол олиб юрувчилар ва сохта ҳужжатлар билан яшаётганлар, кадетлар, октябрчилар ва эсерлар партиясининг актив аъзолари эди. Отувга ҳукм этилаётган шахснинг иши кўрилаётганда, албатта, РКП (б) вакили қатнашган. Вакил “аксилинқилобий партия” аъзоси деб кимни ҳисоблаш мумкинлигини аниқлаб берган. Лениннинг кўрсатмаси билан Фавқулодда комиссия большевикларга мухолифатда бўлган партиялар ва уларнинг газеталарини ёпиб қўйди. 1918 йил январида 122 та мухолифатдаги газеталар ёпилган бўлса, 1918 йил августига келиб собиқ иттифоқ ҳудудидаги 340 та шундай газета ёпилди [6,56].

1921 йил ВЧК таркибида 77,3 фоиз руслар, 9,1фоиз яҳудийлар, 3,5 фоиз латиш-

лар, 1,7 фоиз поляклар, 3,1 фоиз украинлар, 0,5 фоиз белоруслар, 0,5 фоиз мусулмонлар, 0,2 фоиз арманлар, 0,1 фоиз грузин, 315 немис, 1 француз, 2 инглиз, 3 швед, 46 фин, 25 чех, 13 хитой миллатига мансуб шахслар хизмат қилган. Чекистлар орасида 513 киши олий маълумотга эга бўлган, холос. Бу бутун аъзоларнинг 1,3 фоизини ташкил этган. Кўплари, яъни 28647 (57,3 фоизи) бошланғич маълумотга эга бўлган, холос. 1920 йил охирида бутун мамлакат бўйича 86 та республика ва вилоятлар ЧКлари, 16 та алоҳида бўлим, 508 та уезд ЧКлари фаолият юритган [6,73]. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, ЧК ходимларининг аксарияти бошланғич маълумотга ҳам эга бўлмаган.

Совет ҳукуматининг ўз душманларига қарши шафқатсиз “қизил террор” сиёсатини даҳшатли равишда кенг кўламда қўллаши 1918 йил 30 августда Ленинга уюштирилган суиқасдан сўнг авж олди. 5 сентябрда Туркистон МИК, Халқ Комиссарлар Совети ва Бош темир йўллар ижроия комитетларининг қўшма йиғилишида “катта ваколатларга эга” бўлган Фавқулодда қидирув комиссиясини тузилди [9]. Туркистон МИК 9 сентябр фармойишига мувофиқ барча совет органларига Туркистон аҳолиси орасидаги буржуазия ва аксилинқилобий кайфиятдаги кишиларни, шунингдек, ўнг социалистларни ҳамда “келишувчилик” элементларини, эски армия зобитларини синчковлик билан пухта рўйхатга олиб, нафақат “очиқ чайқовчиларни”, балки чайқовчиликда гумон қилинганларни ҳам озодликдан маҳрум қилиш топшириғи берилди [10,17]. Белгиланган тадбирни бажариш мақсадида жойларда фавқулодда комиссия (ЧК)лар ташкил этилди. Кейинроқ, ноябрь ойида Туркистон МИК қошида ўлка фавқулодда комиссияси тузилди ва унга И.П.Фоменко раис этиб тайинланди [11]. Туркистон ЧКси республикадаги фавқулодда комиссиясиларнинг раҳбари ва бирлаштирувчи органига айланди.

Большевиклар Тошкент советига пролетериат диктатурасининг алоҳида жазоловчи органи – қизил террор комитетини тузишни таклиф қилдилар. Террор ёппасига амалга оширилиши лозим эди. Комитет Тошкентда ўз фаолиятини – “синчковлик билан тозалов”ни бошлаб юборди. Бир неча кун ичида минглаб кишилар ҳибсга олинди. Бу эса халқнинг кучли норозилигига олиб келди. Натижада Туркистон МИК комитет фаолиятини уч кундаёқ тўхтатишга мажбур бўлди.

Туркистон АССР МИК буйруғи билан 1918 йил 23 ноябрда тузилган ўлка фавқулодда тергов комиссияси чиқарган барча фармойишлар ўлкадаги барча назорат органларига ҳам тааллуқли эди. Туркистон АССР ИИХК томонидан бу масала юзасидан 1919 йил 17 январда эълон қилинган буйруқда “Туркистон МИК қошида аксилинқилобчилик, чайқовчилик ва талончиликка қарши курашиш учун ташкил этилган [12] ўлка Фавқулодда комиссиясининг кўрсатмалари республикадаги барча назорат органлари бошлиқлари ҳамда уларнинг ходимлари томонидан бажарилиши шарт” [13] деб уқтирилган. Туркистон ўлкаси Фавқулодда тергов комиссияси коллегияси таркибига Ички ишлар халқ комиссари, ИИХК коллегияси ҳайъатига Фавқулодда тергов комиссари аъзо бўлиб киритилганидан сўнг Туркистон АССРдаги иккита ташкилот ўзаро ҳамкорликда фаолият юрита бошлади. Бироқ бу пайтда Туркистон АССРдаги назорат органлари маҳаллий аҳолини талон-тарож қилиш билан шуғуллансалар, Фавқулодда комиссия (ЧК) маҳаллий аҳолининг илғор маърифатли кишиларини, истиқлолчилик ҳаракати қатнашчиларини аксилинқилобчилар сифатида таъқиб этиш, террор ва оммавий қатағон билан шуғулланди.

Туркистон АССРда фаолият кўрсатаётган мусулмон ташкилотлари бу пайтда назорат органларининг ўзбошимча ҳаракатлари ва маҳаллий аҳолига нисбатан паст назар билан қарашларини кескин танқид қилганлар. Масалан, РКП (б) ўлка Мусулмонлар бюроси раиси Т.Рисқулов Туркистон АССРдаги қизил армия отрядлари билан биргаликда милиция ва инспекция фаолиятини ҳам кескин қоралаб, совет ҳокимиятининг бу органлари халқни турли ўғрилар ва талончилардан ҳимоя қилиш ўрнига ўзлари талончилик ва босқинчилик билан шуғулланаётганликларини таъкидлайди. Бу ҳақда Т.Рисқулов томонидан ўша йилларда нашр этилган асарларда ҳам кўплаб маълумотлар келтириб ўтилади [14].

1920 йил 15 февралда ВЧК Президиумининг “уездларда сиёсий бюро бошқармаларини”[15] ташкил этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди ва қарорга мувофиқ губерния Фавқулодда комиссияларининг раҳбарлигида барча уезд милиция бўлимларида 5-10 тагача ходимдан иборат сиёсий бюро (политбюро) тузила бошлади. Сиёсий бюро ВЧК ва Фавқулодда комиссияларга белгиланган инструкция бўйича бошқарилиб, бунга қўшимча равишда улар томонидан берилган топшириқларни ҳам бажарган. Уездлардаги милиция сиёсий бюросининг асосий вазифалари жиноятнинг олдини олиш, уезд милиция бошлиғи ва волост Фавқулодда комиссиясини аксилинқилобчилар ва чайқовчиларнинг режалари ҳақида хабардор қилиш хисобланарди [16].

Туркистон АССР милиция сиёсий бюроси ва Фавқулодда комиссиянинг ҳамкорликдаги фаолияти натижасида 1923 йилнинг биринчи ярим йиллигида 4 та аксилинқилобчи ташкилот ва 33 та аксилинқилобчи деб гумон қилинган кишилар ҳибсга олинган [17].

Туркистонда, асосан, Фавқулодда комиссия ерли халқнинг миллий зиёлилари, жадидлар ва истиқлолчилик ҳаракати қатнашчиларига қарши кураш олиб борган. Бу борада улар курашнинг ҳар қандай формаларидан фойдаланишга ҳаракат қилиб, иложи борича ўлкадаги милий озодлик курашларини бостиришга ҳаракат қилган. Хуллас, “инқилобий” трибуналлар ва Фавқулодда комиссия (ЧК) том маънода совет ҳукуматининг Туркистонда ерли халққа нисбатан қўллаган қатағон сиёсатининг ижрочи органлари сифатидан фаолият олиб борган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008
2. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.:Ўзекистон, 1997
3. “Халқ сўзи”.- 2000 йил, 13 май
4. Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. (Д.Алимова тахрири остида).- Т.: Шарқ 2001
5. Городецкий Е.Н. Рождение советского государства 1917-1918 гг.- М., 1987
6. Литвин А. Красный и белый террор в России 1918-1922гг. (Совершенно секретно).- М.: Яуза ЭКСМО 2004
7. Портонов В.П., Славин М.М. Становление правосудия Советской России (1917-1922гг.). - М., 1990
8. Титов Ю.П. Развитие системы советских революционных трибуналов.- М., 1987
9. ЎзР МДА, 17-ф., 1-рўй., 172-иш, -в.109 орқаси.
10. Сборник декретов, приказов и распоряжений центральной власти Туркестанской республики Российской Советской Федерации.-Т., 1919
11. ЎзР МДА, 17-ф., 1-рўй., 171-иш, -в.64.
12. ЎзР ПДА, 60-фонд., 1-рўйхат., 266-иш, -в.2
13. ЎзР МДА, 39-фонд., 1-рўйхат., 27-иш, -в.15
14. Бу ҳақда қаранг: Мусбюро РКП (б) в Туркестан. 1,2 и 3 Туркестанские краевые конференции РКП 1919-1920 гг. С введением тов. Рыскулова.-Т.: Туркгосиздат, 1922; Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана. Сборник статей, докладов, речей и тезисов с предисловием автора. Часть 1. 1917-1919гг.-Т.: Узбекгосиздат, 1925.
15. ЎзР МДА, 339-фонд., 1-рўйхат., 225-иш, -в.46
16. ЎзР МДА, 339-фонд., 1-рўйхат., 428-иш, -в.37
17. Туркестанская правда, №14, 18 января 1924 г.

Андижон давлат университети,
2010 йил 17 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. И.Алимов)